

## ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ БАЛАНДЛИККА САКРОВЧИ АЁЛ СПОРТЧИЛАРНИНГ МАШГУЛОТ ВА МУСОБАҚА ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАХЛИЛИ

Н.Т.Тұхтабоев

Профессор, Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институты  
директор үринбосари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7227862>

**Аннотация.** Ушбу мақолада юқори малакали баландликка сакровчи аёл спортчиларнинг машгулот ва мусобақа жараёнини бошқарии тизимини тахлили бўйича маълумотлар кенг ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** инновацион технологиялар, жисмоний тайёргарлик, техник-тактическ маҳорат, спортчиларни тайёрлаши тизими, юклама, ўқув-машгулот, сакраш характеристери, жисмоний машқ, машгулот воситалари.

### ТЕКСТ НАУЧНОЙ РАБОТЫ НА ТЕМУ «АНАЛИЗ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ТРЕНИРОВОЧНЫМ И СОРЕВНОВАТЕЛЬНЫМ ПРОЦЕССОМ ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ ПРЫГУНОВ В ВЫСОТУ»

**Аннотация.** В статье широко освещены данные по анализу системы управления тренировочно соревновательным процессом высококвалифицированных прыгунов в высоту.

**Ключевые слова:** инновационные технологии, физическая подготовка, технико-тактическое мастерство, система подготовки спортсменов, нагрузка, тренировка, характер прыжков, физические упражнения, средства тренировки.

### ANALYSIS OF THE MANAGEMENT SYSTEM OF TRAINING AND COMPETITION PROCESS OF HIGHLY QUALIFIED FEMALE HIGH JUMPER ATHLETES

**Abstract.** This article widely covers the data on the analysis of the control system of the training-competitive flow of highly qualified female athletes-high jumpers.

**Keywords:** innovative technologies, physical training, technical-tactical skill, system of training athletes, loading, training, character of jumping, physical exercise, training tools.

### КИРИШ

Спортчилар машгулот жараёнларини назорат, таҳлил қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш учун янги инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳамда баландликка сакраш бўйича техник тайёргарлик восита ва услубларни сакраш характеристи жихатларига боғлаш, улар асосида илмий тавсиялар ишлаб чиқиши, уларни илмий-услубий асослаш, маҳсус жисмоний тайёргарлиги, техникаси ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, баландликка сакровчи спортчиларни тайёрлашнинг мавжуд методологиясига спортчининг индивидуал кўрсаткичларини яқинлашиши учун имкон беради. Баландликка сакровчилар машгулот жараёнини режалаштиришда спортчиларни индивидуал хусусиятларини инобатга олиш, қўлланиладиган восита-усулларни машгулот олдига қўйган мақсад ва вазифалар билан боғликлиги, юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, баландликка сакровчи спортчиларимизнинг спорт натижаларини жаҳон ареналаридағи натижалар билан қиёсий таҳлил қилинганда ортда қолаётганлигимизни кўришимиз мумкин. Жаҳон ва Олимпия ўйинлари

совриндорлари хали хануз йўқлиги спортчиларни техник тайёрлашнинг индивидуаллик тамойилига асосланган вариантини ишлаб чиқиши талабини қўймоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Юқори малакали баландликка сакровчиларнинг машғулот жараёнини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва илмий асослаш.

#### Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Юқори малакали баландликка сакровчиларнинг машғулот жараёнини кузатиш ва тахлил қилиш.

2. Юқори малакали баландликка сакровчиларнинг тайёргарлик жараёнини мусобақа фаолияти самарадорлигини ва бошқариш тизимига боғлиқлигини тажрибада ўрганиш.

**Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси.** Спортда юқори натижаларга эришиш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Ҳусусан, спортчининг индивидуал жихатларини ривожлантиришга қаратилган турли хил педагогик ва тиббий-биологик тайёргарлик технологияларидан фойдаланмасангиз, жалб қилинган индивидуал фарқларнинг катталигини ҳисобга олмасангиз, машғулотнинг энг замонавий услуг ва воситалари, мураббийнинг юқори педагогик маҳорати машғулот жараёнини оптималлаштириш муаммосини тўлиқ ҳал қила олмайди.

Баландликка сакровчиларни тайёрлашда жисмоний ва идеомотор машқлар, аутоген машғулот, ташқи муҳитнинг маълум бир шароитлари, тикланиш воситалари ҳамда гигиеник режим қўлланилади. Сакровчилар жисмоний машқларни мунтазам бажариш орқали ўзларининг жисмоний ва иродавий сифатларини ривожлантирган ҳолда техника ва тактикада такомиллашиб борадилар.

М.Ж.Абдуллаев, М.С. Олимов, Н.Т. Тўхтабоевларнинг фикрича сакраш техникасини равнақ топишида кўплаб сакраш машқлари пойdevor бўлиб хизмат қиласди. Турли амплитуда тезлик ва траекторияда бажариладиган бир оёқда, оёқдан оёққа ва иккала оёқда сакраш машқлари хам ёш спортчи, хам спорт устасини тайёрлаш дастурида мавжуд.

Юқори малакали баландликка сакровчиларни жисмоний тайёргарлик меъзони сифатида қуидаги жадвални келтириш мумкин.

#### Юқори малакали баландликка сакровчиларни жисмоний тайёргарлик меъзони 1-жадвал

№	тест	Улчов бирлиги (См.кг м)	натижа
1	Баландликка сакраш	м	1,90-2.00
2	30 м югуриш	С	4,10-4,30
3	Турган жойдан узунликка сакраш	М	2,70-2,90
4	12 та югуриш қадами билан узунликка сакраш	М	5,40-5,60
5	Баландликка сакраш (Абалаков тести)	См	70-75
6	Елкада штанга билан ярим ўтириб туриш (тизза бурчаги-90°)	Кг	100-110
7	Турган жойда уч хатлаб сакраш	М	860-890
8	Ядрони икки қўлда бош узра отиш(4кг).	М	12-14

Етакчи жисмоний сифатларни ривожлантириш спортчининг харакат имкониятларини белгилашини инобатга олиб, баландликка сакровчи қизлар С.Радзивил ва Н.Дусанованинг махсус жисмоний тайёргарлигини натижалари қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

**Баландликка сакровчилар ХТСУ С.Радзивил ва Н.Дусанованинг жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари**

1-жадвал

<b>№</b>	<b>Назорат тестлари</b>	<b>С.Радзивил</b>	<b>Н.Дусанова</b>
<b>1</b>	Турган жойдан узунликка сакраш, см	275	292
<b>2</b>	Турган жойдан юқорига сакраш, см	76	82
<b>3</b>	Югуриб келиб оёқдан-оёққа 5 ҳатлаб сакраш, м, см	16 м 60 см	18м 50 см
<b>4</b>	Ядрони бош устидан орқага улоқтириш	15 м 45 см (3 кг)	15м 20 см (4 кг)

Н.Дусанова С.Радзивилнинг бўйидан анча паст. Фарқи 11 см.ни ташкил қиласди. Сакровчанлик даражасини таҳлил қилганда аникландики, гарчи бўйи пастроқ бўлса хам Н.Дусанованинг кўрсаткичлари юқорироқ, узунликка жойидан сакраш – 2 м 92 см, С.Радзивилда эса – 2 м 75 см. Н.Дусанованинг югуриб келиб 1 оёқдан 2-чи оёққа 5 ҳатлаб сакраш натижаси 18,50 м га teng бўлса, С.Радзивилда ушбу кўрсаткич 17.60 м га етади. Бу 1- спорчининг куч чидамлилиги юқорилигидан белги, шунингдек, портловчи кучини ўстириш устидаги алоҳида ишлаганликдан дарак беради. Бу сифатлар узок муддатли машғулотларга нисбатан сакровчиларда чидамликнинг қанчалик ривожланганлигини исботлайди.

Сакраш турларида натижа депсиниш кучига боғлиқдир. Бу еса сакровчилардан мусобоқаларда жисмоний тайёргарликни максимал даражада ривожланиши талаб қиласди. Сакрашнинг хамма турларида оёқ депсиниш жойига тез ва шахдам қўйилади. Депсиниш бурчаги қанчалик катта бўлиши керак бўлса, оёқ хам шунча олдинроқ қўйилади ва таянч нуктасидан сакровчи гавдаси ва У.О.М.нинг проекциясигача масофа хам шунча кўп бўлади. Масофа ортган сари, горизонтал тезликнинг вертикал тезликка ўтиш йўли орта боради.

Сакраш баландлиги ортар экан, болдир мушакларининг ҳолати ва уларнинг тезлик хусусиятларига талаблар ортади. Бунинг сабаби шуки, қисқартирилган вақт шароитида тос-сон ҳамда тизза бўғимлари ишида қатнашадиган мушаклар шу бўғимлардаги катта амплитудадан фойдаланишга имкон бермайдиган реактив кучларга қарши туради. Шунинг учун тезликни ошириб берувчи асосий халқа кафт мушаклари ҳисобланади.

Юқори малакали баландликка сакровчиларнинг тос-сон бўғимидағи букилиш бурчаги 135-136°C атрофида тебранади (В.И.Бобровник, С.И.Бобровник, 1992).

### ХУЛОСА

Баландликка сакровчиларнинг йиллик тайёргарлик машғулотларида жисмоний тайёргарлигини инобатга олган ҳолда режалаштиришнинг оптималлаштирилган тузилмаси амалиётга татбиқ этилиш машғулот самарадорлиги оширади. Бу еса

баландликка сакровчилар учун ишлаб чиқилган йиллик тайёргарлик машғулотларининг тайёргарлик даври ва босқичларидағи қўлланиладиган восита ва юкламаларнинг шуғилланувчилярнинг ёши, жинси ва жисмоний тайёргарлик холатидан келиб чиқиб тўғри олиб боришни талаб қиласди.

## REFERENCES

1. Olimov M.S., To'xtaboyev N.T., Soliyev I.R., Ortiqov X.T. O'rta va uzoq masofaga yugurish uslubiyati. T.: 2016. – 154 b.
2. Olimov M.S., Shakirjanova K.T., Rafiyev H.T., To'xtaboyev N.T., Smurigina L.V. Yengil atletika nazariyasi va uslubiyati / darslik. T.: 2018. - 872 b.
3. Olimov M.S., Shakirjanova K.T., Rafiyev H.T., Smuriygina L.V., To'xtaboyev N.T. Yakkakurash, koordinatsion va siklik sport turlari “Yengil atletika”. / darslik. T.: 2018. - 376 b.
4. Тер-Ованесян, И. А. Подготовка легкоатлета: современный взгляд / И. А. Тер-Ованесян. - М.: Терра спорт, 2000. - 176 б.
5. Рузамухамедов К.Ф., Тўхтабоев Н.Т. Етакчи ўзбек баландликка сакровчиларининг сакраш техникаси хусусиятлари ва ўзгарувчанлиги // «Енгил атлетикани ривожлантиришнинг долзарб ва замонавий муаммолари» халқаро илмий-амалий анжумани 2020 йил 29-30 май, Б. 67-72.
6. Ruzamukhamedov K. Tukhtaboev N. Features and variability of jumping techniques of leading uzbek high jumpers: Academia science. Vol. 2, Iss. 7, 2021. P. 97-103.